



**КАСБ - ҲУНАР МАКТАБЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА  
БИЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА ШАХСИЙ  
ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Мамараимова Гулнора Юсуповна**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Яркулов Алишер Хайитбоевич**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби махсус фан ўқитувчиси*

**Исабоева Нафиса Бурхомиддиновна**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Солиева Зулхумор Қахрамоновна**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида амалга ошираётган ислохотлар фаолиятларида билим олувчиларни ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида билим, кўникма, малака ҳамда шахсий фазилатларини шакллантириш ва ҳаётга тайёрлаш, таълим-тарбия бериш жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифалиридан бири ҳисобланади.*

*Педагогик фаолиятда таълим тарбиянинг сифат ва самарадорлигини ошириш ривожланган мамлакатлар қатори кичик мутахассисларга касбий билим, кўникма, малака, шахсий фазилатларни такомиллаштириш ва шу асосида мустақил Ўзбекистонимизни ривожланиши, тараққиётига ўз хиссасини қўшаоладиган МСКО-3 талаблари асосида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган етук кичик мутахассисликларни тайёрланишидан иборат.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *интерактив метод, инновацион технология, ҳалқаро стандарт таснифлагичи, профессионал таълим, педагогика, ин-терактив метод, муносабатларни демократлаштириш, этник қадрият, технология, субъект, объект, мотивация, предмет.*

**Замонавий педагогик ва ахборот технологияларимақсади:**

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог кадрларида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг моҳияти, турлари, замонавий педагогик ва ахборот технологияларнинг қиёсий тавсифи, уларни танлаш мезонлари ва амалга тадбиқ этиш бўйича билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларини такомиллаштиришдан иборат.*

**Вазифалари:**

➤ *замонавий педагогик ва ахборот технологияларнинг моҳияти ва уларнинг турлари билан таништириш;*



➤ замонавий педагогик ва ахборот технологияларни лойиҳалаштириш тартиби билан таништириш;

➤ замонавий педагогик ва ахборот технологияларни амалга жорий этишга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш;

➤ замонавий педагогик ва ахборот технологиялар самарадорлигини аниқлаш бўйича кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

➤ касбий таълим мақсади, мазмуни ва иштирокчиларининг тайёргарлик даражасига кўра самарали педагогик технологияларни танлаш.

**“Технология”** – юнонча **“techne”** сўзидан олинган бўлиб, **маҳорат, санъат, “logos”** - сўз, **таълимот** маъноларини англатади.

**“Технология”** – ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан олиб қараганда объект (предмет, буюм, ҳодиса, жараён, жонли ва жонсиз зот)ларга мақсадга мувофиқ таъсир этиб, унинг хусусияти, шакли, ҳолати кабиларни ўзгартириш маъносини англатади.

**Педагогик технология**-таълим моделларини мақбуллаштириш мақсадида, инсон ва техника имкониятлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бутун таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва натижаларини аниқлаш тизимидир

**Педагогик технология турлари:** Индивидуал, жамоавий, белги-контекстли, ишбилармонлик ёки ролли ўйин, муаммоли, ахборот, дастурли, интегратив, модулли, муаллифлик, ривожлантирувчи, масофавий, кейс-стади, таянч схемалардан фойдаланиб ўқитиш ва этнопедагогик, фаол ўқитиш, ҳамкорлик, табақалаштирилган, ноанъанавий, анъанавий, эркин, асосий материалларни ажратиб олиб ўрганиш, йириклаштириб ўқитиш, политехник, жадал, шахсга йўналтирилган ва таълим жараёнини тўғри ташкил этиб бошқаришдан иборатдир.

**Анъанавий таълим технологияси**- педагогик амалиётда қирқ ва ундан ортиқ йиллар давомида қўлланилган таълим-тарбия тизимига айтилади

**Афзалликлари:** ўқитувчи томонидан таълим-тарбия жараёни юқор даражада назорат қилиниши; вақтдан унумли фойдаланиши; аниқ илмий билимларга таяниши.

**Камчиликлари:** ўқувчилар фаол иштирокчи бўлмайдилар; ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди;

ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди; материални хотирада сақлаб қолиш даражаси барча ўқувчиларда бир-хил бўлмаганлиги сабабли тўлиқ ўзлаштирилмайди, аудитория бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолади; мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун етарли шароит яратилмайди.

**Анъанавий таълим асосини ташкил этувчи принциплари**-илмийлик, табиатга мослик, узвийлик ва тизимлик, ўзлаштирувчанлик, мустақамлик, онглилик ва фаоллик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги,

таълим олувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш касбга йўналганлик, политехнизмдан иборатдир.

**Ноанънавий таълим технологияси авзалликлари**-таълим мазмунини мукамал ўзлаштиришга олиб келиши, тескари алоқаларнинг таъминланиши,

билимларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши, турли хил фаол таълим методларининг қўлланилиши, мотивациянинг юқори даражада бўлиши, ўзлаштирилган материални узок муддат хотирада сақлаб қолиниши, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши, ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шаклланиши, ўқувчиларнинг фан, мавзу ва ўқиб-ўрганишга оид ижобий муносабатларни шаклланиши, ўқувчиларда мустақиллик хислатларини шаклланиши, танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириши, муаммоларни мустақил ечиш кўникмаларининг шаклланишидан иборат.

**Камчиликлари**-кўп вақт талаб этилиши, ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги, қийин ва мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг иккинчи даражали бўлиши, ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

### ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Схема №1





**Шахсга йўналтирилган таълим технологияларнинг принциплари:** *инсонпарварлик* - яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўравонликдан тўла воз кечиш, *ҳамкорлик* - яъни педагог ва ўқувчилар муносабатидаги демократизм, тенглик, шериклик; *эркин тарбиялаш* - яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги ва мустақилликни бериш, натижаларни ташқи таъсирдан эмас, ички ҳиссиётлардан келтириб чиқариш.

**Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари** - *шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат бўлади.* педагогик жараёнда шахс объект эмас, субъект ҳисобланади, ҳар бир ўқувчи қобилият эгаси, кўпчилиги эса истеъдод эгаси ҳисобланади, юқори этник қадриятлар - сахийлик, муҳаббат, меҳнат-севарлик, виждон ва бошқалар шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

**Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади -**

Педагог ва ўқувчи ҳуқуқларини тенглаштириш, ўқувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи, хатога йўл қўйиш ҳуқуқи, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи, педагог ва таҳсил олувчи муносабатининг асоси - таъқиқламаслик, бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон беришдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуқудусов О.А. Рашидов Ҳ.Ф “Касб - ҳунар педагогикаси” Услубий қўлланма Т 2011 йил 13-июн.
2. Авлиёқулов Н.Х “Замонавий ўқитиш технологиялари” Т 2001-йил
3. Очилов М “Янги педагогик технологиялар” Қарши . Насаф. 2000 йил.
4. Шодиев Н “Ўқув жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш” Самарқанд СамДУ нашри. 2006 йил.
5. Нишонов А, Хайдаров Б ва бошқалар “Баҳолаш методлари” Т 2003-йил.
6. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент 2002 йил.
7. Голиш Л.В. “Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш.” Экспресс қўлланма Т. ТАЪСИС. 2001 йил
8. Фарберман Б.Л “Илғор педагогик технологиялар” Тошкент-2000 йил
9. Н. Сайидахмедов ” Янги педагогик технология” Тошкент. 2003 йил.
10. Ишмухамедов Р.Ж “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”( Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиянома) Тошкент 2003 йил.

### ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ:

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)